



221200. Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Навбахор кўчаси 2-уй.

2020 йил "6" _____ *сб*

№ 1067

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор туманидаги "Султон ота" фермер хўжалигига узоқ муддатли ижарага ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунчилик, "Султон ота" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Қўшчановнинг ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси, "Чорванасл" Янгибозор туман вакилининг хулосаси ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунчиликнинг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ва "Чорванасл" Янгибозор туман вакилининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. "Султон ота" фермер хўжалигига Оёқдўрман қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги № 173, 176к, 186к, 187к-контурларида жойлашган умумий ер майдони 21,3 гектар, шундан суғориладиган экин ери 20,9 гектар, йўллар 0,4 гектардан иборат ер участкасида **чорвачилик** йўналишида фойдаланиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати (40 йил) қилиб белгилансин.

3. "Султон ота" фермер хўжалигига ижарага ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари **Ш.Қўшчанов** ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (А.Рамазанов) "Урганч нефть база" унитар корхонаси ва "Хоразмдонмахсулотлари" АЖ корхонаси билан биргаликда, туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ўразбоев), "Агробанк" туман филиали (М.Ражаббоев), "Агрокимёҳимоя" АЖ туман филиали (У.Адамбоев)лар;

ер ижара шартномаси бекор қилинган фермер хўжаликларининг 2020 йил ҳосили учун сарфланган харажатлари, етказиб берилган моддий техник ресурслар ва кўрсатилган бошқа хизматлар бўйича юзага келган қарздорликларни уч томонлама далолатнома асосида "Султон ота" фермер хўжалигига қайта расмийлаштирсин;

5. “Султон Ота” фермер хўжалиги раҳбари Ш.Қўшчановга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

6. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

8. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман

Туман ҳокими



Ў.Курбанов